



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRINING BUYRUGI

**Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари ўқувчиларининг билимини баҳолаш  
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 сентябрдаги 767-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейларининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари ўқувчиларининг билимини баҳолаш тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ички ишлар вазирлиги Молия ва моддий-техника таъминоти бош бошқармаси томонидан Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари белгиланган намуна асосида ўзлаштириш дафтарчаси билан таъминлансин.

3. Мазкур буйруқ ижросини таъминлаш Ички ишлар вазирлиги Кадрлар бош бошқармаси ва Молия ва моддий-техника таъминоти бош бошқармаси бошликлари ҳамда Вазирлик академик лицейлари директорларига юклатилсин.

Вазир  
генерал-майор



*П.Р. Бобожонов*

**П.Р. Бобожонов**

Тошкент шаҳри  
2018 йил «1» сентябр  
239 - сон

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар  
вазирининг 2018 йил «\_1\_» сентябрдаги  
239- сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари ўқувчиларининг  
билимини баҳолаш тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-§. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари (бундан буён матнда академик лицейлар деб юритилади) ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини рейтинг тизими асосида баҳолашни тартибга солади.

**2-§. Ўқувчилар билимини баҳолашнинг  
мақсад ва вазифалари**

2. Академик лицейлар ўқувчиларининг билимини рейтинг тизими асосида баҳолашнинг мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

академик лицейлар ўқувчиларида Ички ишлар вазирлигининг олий таълим муассасаларида ўқишини назарда тутадиган давлат таълим стандартларига мувофиқ тегишли билим, кўникма ва малакалар шаклланишига даражасини назорат қилиш;

ўқувчилар билими, кўникма ва малакаларини баҳолаш;

Давлат таълим стандартларига асосланганлик, аниқлик, ҳаққонийлик, ишонччилик ва қулай шаклда баҳолашни таъминлаш;

ўқувчилар билими, кўникма ва малакалари даражаларини таққослаш ва таълим жараёнида ўзаро мусобақа муҳитини яратиш;

ўқувчиларнинг фанлар бўйича комплекс ҳамда узлуксиз тайёргарлигини таъминлаш;

ўқувчиларнинг ҳар бир фан ва амалиёт турлари бўйича ўзлаштириш даражаларини аниқлаш;

ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари шаклланиш суръатини мунтазам равишда мониторинг қилиб бориш.

**3-§. Баҳолаш турлари ва шакллари**

3. Ўқувчиларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги назорат тартибларини ўтказиш назарда тутилади:

жорий назорат;

оралиқ назорат;

якуний назорат.

4. Жорий назорат – семестр давомида ўқувчининг фан бўйича билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш ва баҳолаш.

5. Жорий назорат ўқувчи томонидан фаннинг ўзлаштирганлик даражасини аниқлашга, шунингдек ўқув материални конструктив равишда шарҳлаш ва таҳлил қилиш, муаммоли вазиятларни ҳал этиш, жамоада ишлаш, илмий презентациялар тайёрлаш ва ўқувчининг бошқа лаёқатларини баҳолашга қаратилади.

6. Жорий назорат фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотида, одатда, қуйидаги усулларда ўтказилади:

оғзаки сўров (манتيкий муаммоли саволларни қўллаган ҳолда);

суҳбат;

коллоквиум;

назорат иши;

тест;

уй вазифаларини текшириш;

презентация (тегишли мавзу бўйича кичик гуруҳлар доирасида);

муаммоли вазиятларни ҳал этиш (кейс-стади);

жамоада ишлаш («ақлий ҳужум» интерфаол услубини қўллаган ҳолда ва ҳ.к.);

хуқуқ нормаларини шарҳлаш кўникмаларини ривожлантириш машқлари;

хуқуқни қўллаш ва ҳужжатлар лойиҳаларини тузиш кўникмаларини ривожлантириш машқлари;

кафедра томонидан белгиланадиган бошқа усулларда.

7. Маъруза машғулотида ўқувчининг иштироки, маърузани диққат билан тинглаб, қайд қилиб бориши ва фаоллиги (савол бериши, фикр билдириши), интизоми мавзу бўйича баҳолашда инобатга олинади.

8. Мустақил таълим топшириқлари жорий назоратдан бири сифатида қабул қилиниши мумкин.

9. Жорий назорат асосан ўқув машғулотида давомида амалга оширилади.

10. Ўқувчининг жорий назоратдан олган ижобий баҳолари асосида унга оралик баҳолаш (якуний баҳолаш)ни топширишга руҳсат берилади.

11. Жорий назорат натижалари ўқувчиларга эълон қилиниши ва гуруҳнинг журналида ҳамда ўқитувчиларнинг журналида қайд этилиши шарт. Машғулотларда баҳо олмаган, қониқарсиз баҳо олган ёки қатнашмаган тингловчилар бу мавзуларни оралик (якуний) назорат бошланишига қадар қайта топширган бўлишлари керак.

12. Оралик назорат семестр тамом бўлганда ва ўқув дастурининг тегишли бўлими тугаллангандан кейин, ўқувчиларнинг жорий баҳоларини умумлаштириш ва билимлари, малака ва кўникмаларини баҳолаш учун ўтказилади.

13. Оралик назоратнинг сони (бир семестрда 2 тадан ошмаслиги лозим) ва вақти кафедра томонидан ўқув бўлими билан келишилган ҳолда белгиланади.

14. Оралик назорат, одатда, педагогик тест шаклида ўтказилади. Оралик назоратни бошқача шаклларда ўтказиш кафедралар билан келишилган ҳолда, ўқув бўлими томонидан аниқланади. Оралик назоратни ўтказиш вақти ўқув машғулотида жадвалига киритилади ва унга мувофиқ амалга оширилади.

15. Оралиқ назоратни ўтказиш учун ишлаб чиқилган тест топшириқлари кафедра йиғилишлари ва академик лицейнинг педагогик кенгашларида маъқулланади.

16. Оралиқ назорат натижалари гуруҳнинг оралиқ назорат қайднома варақасида акс эттирилади ва ўқув бўлимида сақланади. Қайднома варақасида келтирилган оралиқ назорат натижаларини ўқитувчи гуруҳ журналида акс эттириши шарт.

17. Оралиқ назоратда қониқарсиз баҳо олган ёки қатнашмаган тингловчилар икки ҳафта ичида оралиқ назоратни қайта топшириши мумкин. Ушбу муддат узрли сабаблар (касаллиги, спорт мусобақалари ва бошқалар) билан кела олмаган ўқувчилар учун бу ҳолатни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда узайтирилиши мумкин.

18. Ўқувчиларнинг фанлар бўйича жорий ва оралиқ назорат натижалари йиғиндиси кафедралар томонидан ҳисобланиб, ўқув бўлимига белгиланган шаклда якуний назоратлар бошланишидан уч кун олдин топширилади.

19. Маълумотларнинг ишончилиги ва ўз муддатида топширилиши учун кафедра мудири жавобгардир.

20. Якуний назорат фанни ўрганиш тугагандан сўнг ёки ўқув йили охирида (агар ўқув фани икки ёки ундан ортиқ семестр ўқитилса) ўқувчиларнинг дастурда белгиланган ўқув материалларини ўзлаштириш даражасини текшириш ва баҳолаш мақсадида ўтказилади.

21. Якуний назорат оғзаки сўров, ёзма иш, амалий машқларни бажариш, нормативларни топшириш, муаммоли вазиятларни ҳал этиш (кейс-стади), ҳуқуқни қўллаш машқи, ҳужжатлар лойиҳаларини тузиш, шунингдек, академик лицей директори томонидан белгиланган бошқа шаклларда ўтказилади.

22. Ёзма иш шаклида ўтказиладиган фанлар рўйхати академик лицей директори томонидан тасдиқланади.

23. Ўқувчи якуний назоратни белгиланган муддатларда топшириши шарт.

24. Якуний назоратда қониқарсиз баҳо олган ёки узрли сабабларга кўра (касаллик, хизмат сафари ва бошқалар) қатнаша олмаган ўқувчиларга ушбу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда якуний назоратни топширишга руҳсат берилади.

25. Якуний ёки оралиқ назоратни топшириш жараёнида бошқаларга ёрдам берган, тақиқланган ҳужжатлар, кўлёзма, ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган, ўрнатилган тартибни бузган ўқувчилар назорат ишини топширишдан четлаштирилади. Назорат ишини ўтказётган ўқитувчи ёки бошқа масъул ходимлар томонидан бу ўқувчининг топшириқ варианты бекор қилинади ва ўқувчи оралиқ ёки якуний назоратни қайта топшириши лозим бўлади.

26. Ўқувчиларни баҳолашнинг барча турлари бўйича мезонлар кафедралар томонидан ишлаб чиқилади ва ўрнатилган тартибда тасдиқланади.

27. Фан бўйича баҳолаш турлари, шакллари, сони ҳамда мезонлари ҳақидаги маълумотлар ўқувчиларга дастлабки машғулотларда ўқитувчилар томонидан эълон қилинади.

28. Семестр мобайнида ўқув юкламаси 24 соатдан кам бўлган фанлардан оралиқ назорат ўтказилмайди.

#### 4-§. Ўқувчиларнинг билим савиясини баҳолаш ва ўзлаштириш кўрсаткичларини аниқлаш

29. Ўқувчиларнинг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизимида ўқувчининг ҳар бир фан бўйича ўзлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади.

30. Ҳар бир назорат тури, қандай шаклда ўтказилишидан қатъи назар, беш баллик («2», «3», «4» ва «5») усулда бутун сонлар ёрдамида баҳоланади.

31. Бошланғич назоратнинг натижаси бошқа назоратдан олинган балларга қўшилмайди. У ўқувчининг семестр давомида ушбу фан бўйича ўзлаштириш суръатини таҳлил қилишда, ўқитувчининг ўқувчилар билан ишлаш фаолиятининг самараси мезони сифатида қўлланилади.

32. Муайян фан бўйича ўқувчининг семестр мобайнида тўплаши мумкин бўлган умумий энг юқори бали (R семестр) «5» бални ташкил қилиб, қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{ЖН} + \text{ОН} + \text{ЯН}$$

$$R \text{ семестр} = \frac{\text{ЖН} + \text{ОН} + \text{ЯН}}{3}, \text{ бунда:}$$

ЖН – ўқувчининг семестр давомида жорий назорат бўйича бутун сонга яхлитланган ўртача бали,

ОН – ўқувчининг семестр давомида оралик назоратлар бўйича бутун сонга яхлитланган ўртача бали.

Агар фаннинг семестр бўйича юқламаси 24 соатдан кам бўлиб, оралик назорат ўтказилмаган тақдирда,

$$\text{ЖН} + \text{ЯН}$$

$$R \text{ семестр} = \frac{\text{ЖН} + \text{ЯН}}{2} \text{ бўлади.}$$

33. Муайян фан ёки ўқув амалиёти бўйича йиллик умумий балл сифатида семестрларда тўпланган умумий балларнинг ўртачаси олинади

$$R \text{ 1-семестр} + R \text{ 2-семестр}$$

$$R \text{ йиллик} = \frac{R \text{ 1-семестр} + R \text{ 2-семестр}}{2} .$$

34. Ҳар бир фан бўйича умумий рейтинг балл R йиллар бўйича тўпланган умумий рейтинг балларининг ўрта қиймати каби аниқланади (масалан, фан уч йил ўқитилса),

$$R \text{ 1-йил} + R \text{ 2-йил} + R \text{ 3-йил}$$

$$R = \frac{R \text{ 1-йил} + R \text{ 2-йил} + R \text{ 3-йил}}{3} .$$

35. Ўқув амалиётлари учун энг юқори семестр бали «5» балл бўлиб, рейтинг тизимида уларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2018 йил 19 январдаги 18-сон буйруғи талаблари асосида ўқув амалиётини баҳоловчи махсус комиссия томонидан амалга оширилади.

36. Ўқувчининг ўқув амалиётини ўташ жараёнида олган кўникма ва маҳоратларини, курс ишларини бажарганлигини, битирув (диплом) ишларини, Якуний Давлат

аттестацияси натижаларини баҳолаш ўзлаштириш кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади ва баҳолаш қайдномасига киритилади.

37. Академик лицей ўқувчиси олимпиадаларда совринли ўрин олган, фанлардан республика олимпиадаларида қатнашган, матбуотда мақолалар чоп этган, илмий-назарий ва илмий-амалий конференция, семинар, давра суҳбатлари ва шу кабиларда қатнашган бўлса, унинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичига жорий ва оралиқ назоратга ажратилган балларнинг 10 фоизи миқдорида рағбатлантирувчи балл берилади.

### **5-§. Баҳолашларни ўтказиш муддати**

38. Баҳолашларни тасдиқланган жадваллар асосида фан бўйича ўқув машғулотларини олиб борган ўқитувчилар ўтказилади.

Ўқувчининг оралиқ назорат (якуний назорат) натижалари бекор қилинган тақдирда, академик лицей директори томонидан баҳолашни ўтказиш бошқа ўқитувчиларга юклатилиши мумкин.

39. Назорат иши, курс иши, курс лойиҳаси ва ижодий топшириқлар ҳимояси ҳамда амалиётлар бўйича ҳисобот «5» баллик тизимда баҳоланиб, ушбу фандан ўтказиладиган якуний назоратга қадар топширилиши шарт.

40. Узрли сабабларга (ўқувчининг касал бўлиши, яқин қариндошлари оиласида фавқулодда ҳолатлар, республика ва халқаро миқёсдаги тадбирларда иштирок этиш ва ҳ.к.) кўра назоратларда иштирок этмаган ўқувчига, асословчи ҳужжатлар тақдим этилганда, академик лицей директори томонидан назоратларни муддатлари кўрсатилган яқка тартибдаги жадвал асосида топширишга руҳсат берилади.

41. Семестр якунида фан бўйича саралаш балидан кам балл тўплаган ўқувчининг ўзлаштириши «қониқарсиз» (академик қарздор) ҳисобланади.

42. Ўқувчи фан бўйича оралиқ назоратдан қониқарсиз баҳо олса ва якуний назоратгача бўлган муддатда қайта топширишда ижобий баҳо олмаса, у якуний назоратга киритилмайди (академик қарздор ҳисобланади).

43. Якуний назоратда қониқарсиз баҳоланган ўқувчи академик қарздор ҳисобланади.

44. Кузги семестр натижалари бўйича академик қарздор ўқувчиларга назоратларни қайта топширишга бир ой муддат берилади. Баҳорги семестр натижалари бўйича битирувчи ўқувчиларга ўзлаштирмаган фанларини (академик қарздорликни) қайта топшириш учун якуний давлат аттестациясигача бўлган муддат берилади.

45. Семестр (ўқув йили) якуни бўйича академик қарздор ўқувчиларга, семестр тугагандан кейин ўқув бўлими томонидан ишлаб чиқилиб, академик лицей директори томонидан тасдиқланган жадвал асосида академик қарзларини бартараф этиш имконияти берилади.

46. Фан бўйича жорий баҳолашдан қониқарсиз баҳо олган ўқувчига қайта топшириш учун икки марта имкон берилади (биринчи марта ўқитувчи, иккинчи марта кафедра бошлиғи томонидан).

47. Фан бўйича оралиқ баҳолашдан қониқарсиз баҳо олган ўқувчига қайта топшириш учун икки марта имкон берилади (биринчи марта кафедра бошлиғи, иккинчи марта академик лицей директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари томонидан).

48. Фан бўйича якуний баҳолашдан қониқарсиз баҳо олган ўқувчига қайта топшириш учун икки марта имкон берилади (биринчи марта академик лицей директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, иккинчи марта академик лицей директори томонидан).

49. Академик қарздорликни қайта топширишлар сони икки мартадан ошмаслиги керак. Иккинчи қайта топшириш академик лицей директори томонидан тасдиқланган комиссия томонидан коллегия тарзда қабул қилинади.

50. Ўқувчи назорат натижаларидан норози бўлса, фан бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат мобайнида ўқув бўлимига ёзма равишда мурожаат этади. Бундай ҳолда ўқув бўлимининг тақдимномасига мувофиқ, ўқувчи академик лицей директори тасдиқлаган комиссия томонидан коллегия тарзда назоратдан қайта ўтказилади ва баҳоланади.

51. Ўқувчини курсдан курсга ўтказишда унинг фанлар бўйича жорий, оралик ва якуний баҳолашлардан, курс иши (лойиҳаси) ва малакавий амалиёт (стажировка)дан саралаш балини тўплаганлиги ҳисобга олинади.

52. Белгиланган муддат давомида фанни ўзлаштира олмаган академик қарздор ўқувчининг академик лицей педагогик кенгашида ўқишдан четлаштириш масаласи кўриб чиқилади.

## **6-§. Баҳолаш натижаларини қайд қилиш тартиби**

53. Ўқувчилар билимини баҳолашнинг барча турлари натижалари умумий баҳолаш қайдномасида ҳар бир гуруҳ бўйича акс эттирилади, кафедралар ва ўқув бўлими томонидан таҳлил қилинади. Баҳолаш натижаларининг тўғрилигини текшириш Ўқув бўлими зиммасига юклатилади. Ўқитувчилар ва кафедра раҳбарлари рейтинг назорати натижаларини тўғри қайд этилиши учун шахсан жавобгардирлар.

54. Баҳолашнинг барча турлари натижалари (жорий, оралик, якуний) курслар ва кафедралар раҳбарлари томонидан ўқувчиларни баҳолаш кўзгусида акс эттирилиши керак. Баҳолаш кўзгуси ўқув курслари ва кафедралар мудирлари томонидан ташкил қилинади ва расмийлаштирилади.

55. Ўқувчилар билимини баҳолаш натижалари доимий равишда кафедраларда, семестр (ўқув йили) якуни бўйича академик лицей педагогик кенгашида муҳокама қилиб борилади.

56. Ҳар бир босқичда ўқиш тугагандан сўнг ўзлаштириш натижаларига кўра ўқувчиларни кейинги босқичга ўтказиш тўғрисида академик лицей педагогик кенгашининг қарори қабул қилинади.

57. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари ўқувчиларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклдаги ўзлаштириш дафтарчасида қайд этиб борилади.

58. Ўқувчи имтиёзли диплом олиши учун унинг ҳар бир семестр якунидаги фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи 86 фоиздан юқори бўлиши керак.

## 7-§. Ўзлаштиришни мониторинг ва таҳлил қилиш

59. Академик лицейларда баҳолаш тизимини тўлақонли жорий этиш, ўқитувчиларга услубий ёрдам кўрсатиш, ўзлаштириш натижаларини доимий равишда мониторинг ва таҳлил қилиб бориш ўқув бўлимига юклатилади, умумий назорат академик лицей директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари томонидан амалга оширилади.

## 8-§. Яқуний қондалар

60. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган.

**Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирининг биринчи ўринбосари**

Тошкент шаҳри,  
2018 йил «29» август



*Abduraхmanov*  
**О.Абдурахманов**

Ички ишлар вазирлиги академик  
лицейлари ўқувчиларининг билимини  
баҳолаш тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари ўқувчиларининг  
ўзлаштириш дафтарчаси  
НАМУНАСИ



